

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ
УСТИДАН НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИНИ
ЎТКАЗИШ БҮЙИЧА**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази

Тошкент – 2024

Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлиги устидан назорат тадбирларини ўтказиш бўйича услугбий қўлланма. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 34 б.

Мазкур услугбий қўлланма ваколатли давлат органлари ҳамда ердан фойдаланувчи аҳоли учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада қишлоқ хўжалиигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини назорат қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш, давлат назоратини ўтказувчи ваколатли органлар вазифалари баён этилган.

Ушбу услугбий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
Қишлоқ хұжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлиги устидан назорат тадбирларини ўтказишни тартибга солувчи қонунчилек ҳужжатлари	5
Асосий түшүнчалар.....	6
Умумий қоидалар.....	9
Қишлоқ хұжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлиги устидан назоратни амалга оширишда ваколатлы органлар¹³	
Қишлоқ хұжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлиги устидан назорат тадбирларини амалга ошириш.....	15
Қишлоқ хұжалигига мүлжалланған ерлар ва әкин майдонларида мониторинг ишларини амалга ошириш тартиби.....	15
Қишлоқ хұжалигига мүлжалланған ерларни муҳофаза қилиш бүйича давлат назоратини амалга ошириш тартиби.....	21
Маъмурий ҳуқуқбузарлик бүйича ишларни күриб чикиш	27
Иловалар	29

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг йирик тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳаси мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида ҳам салмоқли ўрин эгаллаган. Мустақиллик йилларида олиб борилган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси динамик ҳолда ривожланиб бораётган мураккаб иқтисодий тизимга эга бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалиги республика иқтисодиётининг йирик ва муҳим тармоғи сифатида сақланиб қолди.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон халқарининг энг қадимдан шуғулланган асосий соҳаларидан бири бўлиб, бир неча минг йилликлардан аста-секин ривож топиб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва қадимги тармоғи сифатида аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат учун хомашёнинг асосий қисмини етказиб беради. Бугунги кунда мамлакат енгил ва тўқимачилик саноатида ишлатилаётган толанинг 60% дан ортиқроғи ўзимизда ишлаб чиқарилган пахта толасидир. Қишлоқ хўжалигининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни кейинги йилларда кескин ошиб бормоқда.

2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерларнинг умумий майдони 26 132,2 минг гектарни ёки республика ер фондининг 58,21 фоизини ташкил қиласди. Мазкур кўрсаткични сақлаб қолиш, шунингдек ошириш мақсадида ердан фойдаланиш самарадорлигини давлат назорати остига олиш асосий масала ҳисобланади.

Ушбу қўлланмада қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини назорат қилиш бўйича тадбирлар ўtkазиш, давлат назоратини ўtkazuvchi ваколатли органлар вазифалари баён этилган.

Қўлланма ваколатли давлат органлари ҳамда ердан фойдаланувчи аҳоли учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиласиз.

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ УСТИДАН НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ



Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси



Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик түғрисидаги кодекси



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 январдаги "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда мониторинг ишларини амалга ошириш, ерларни муҳофаза қилиш ва ер тузиш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш түғрисида"ги 22-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуюи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш түғрисида"ги 575-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги түғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 571-сон қарори

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар — ер фондининг барча тоифаларидағи қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ушбу мақсадларга мўлжалланган ерлар (суғориладиган ва суғорилмайдиган ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дараҳтлар эгаллаган ерлар);

ерлардан асосий фойдаланиш мақсади — ерлардан ер-кадастр ҳужжатларида акс эттириладиган аниқ мақсадларни қўзлаб фойдаланишнинг қонунчилиқда белгиланган тартиби ва шартлари;идир;

ер участкаси — ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисмидир;

қишлоқ хўжалиги экинлари — техник экинлар (фўза, каноб, каннабис, тамаки, супурги), бошоқли дон экинлари (буғдой, арпа, маккажўхори дон учун, оқ жўхори, шоли, тариқ, сули, жавдар), сабзавот (помидор, бодринг, пиёз, сабзи, карам, бақлажон, қалампир, саримсоқпиёз, ош лавлаги, турп, шолғом, кўкатлар), полиз (қовун, тарвуз, ошқовоқ), картошка, мойли экинлар (кунгабоқар, соя, ер ёнғоқ, кунжут, зиғир, масхар), дуккакли экинлар (нўхат, ловия, мош), озуқа экинлари (беда, маккажўхори силос учун, хашаки лавлаги, бир йиллик ўтлар (рапс, перко, тритикали, суданка), резавор экинлар (қулупнай, малина) ва бошқалар;

қишлоқ хўжалиги экинлари мониторинги — экинларни жойлаштириш кўрсаткичлари асосида қишлоқ хўжалиги экинлари экилган майдонларни ўлчаш, шунингдек, экин майдонларида ўтказиладиган ерга ишлов бериш билан боғлиқ агротехник тадбирларнинг ўз муддатларида бажарилиши юзасидан кузатув олиб бориш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар

мониторинги — мулкчилик шаклидан қатъи назар, ер фондининг барча тоифаларидағи қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда, жумладан, ҳайдаладиган экин ерлари, кўп йиллик дарахтзорлар, бўз ерлар, пичанзор ва яйловлар, шунингдек, уларга хизмат қилувчи бошқа ер турларининг (арик, зовур, йўл ва бошқалар) ҳолати бўйича кузатув тизими (фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкалари бундан мустасно).

ер участкаларидан мақсадли фойдаланиш — ер участкаларидан ажратиб бериш ҳужжатларида белгиланган мақсад бўйича фойдаланиш;

ер участкаларидан самарали фойдаланиш — ер участкасининг маълум қисмидан атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаган ҳолда, тупроқ унумдорлигини сақлаб ёки ошириб, шу ер участкасида маҳсулотни етиштириш учун сарфланган сарф-харажатлар нархидан кўп бўлган ҳажмда маҳсулот етиштириш;

ер участкаларидан хўжасизларча фойдаланиш — берилган ерларнинг ҳолатини яхшилаш ҳамда тупроқни муҳофаза қилиш бўйича зарур бўлган тадбирларни амалга оширмасдан, хўжалик фаолиятини юритиш натижасида мазкур ер майдонларида тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келадиган сув ва шамол эрозиясидан, шунингдек, тупроқ қатлами унумдорлигининг пасайиши ва (ёки) муомаладан чиқиши оқибатида ерлардан белгиланган мақсад бўйича фойдаланиш ёки самарали фойдаланиш имкони бўлмайдиган ҳолатга келадиган усулларда фойдаланиш;

ер участкаларидан оқилона фойдаланиш — ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ерларни муҳофаза қилиш ва табиий-иқтисодий шароитлар мақбул бўлган ўзаро таъсири ва мазкур ҳудуднинг хусусиятларини инобатга олиб, ишлаб чиқариш жараёнида юқори самарадорликка эришиши;

такдимнома — қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга оид аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни

бартараф этиш хусусида қонун бузилишни бартараф этиш ваколатга эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритиладиган ҳужжат;

ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаси —эгалик қилиш ёки фойдаланиш ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларсиз ёки қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ажратилган ер участкасининг чегараларидан четга чиққан ҳолда эгаллаб олинган ер участкаси.


УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар:

-  ҳайдаладиган ерлар;
-  пичанзорлар;
-  яйловлар;
-  ташландиқ ерлар;
-  кўп йиллик дов-дараҳтлар (*боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дараҳт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар*) эгаллаган ерлар.



Қишлоқ хўжалиги ерлари маҳсус муҳофаза қилиниши лозим.



Қишлоқ хўжалиги ерларини ирригация сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тизимига асосланган сунъий суғориш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси ва ерлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг унумдорлигини ошириш шартиdir.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни **ижара ҳуқуқи асосида бериш:**

қишлоқ хўжалиги кооперативларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, шунингдек бошқа юридик шахсларга — товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун;



тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув-тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжаликлари ҳамда бошқа давлат илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларига



— қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-синов ишларини бажариш учун;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига — фермер хўжаликларини юритиш учун;



Ўзбекистон Республикаси фуқароларига — дехқон хўжаликларини, якка тартибда боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиш учун.

Бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг ажратиладиган ўлчамлари:

► **дехқон хўжалигини юритиш учун** (бундан ушбу модданинг 11-бандида назарда тутилган ҳоллар мустасно) – 0,06 гектардан 1 гектаргacha;

► **дехқон хўжалигини юритиш учун чорва озуқаси экинларини етиштириш мақсадида** Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан белгиланган айrim ҳудудларда – 0,06 гектардан 5 гектаргacha;

► **фермер хўжаликларига ва бошқа юридик шахсларга:**

- сабзавотчиликка ихтисослашганларга – камида 3 гектар;
- боғдорчиликка, узумчиликка ихтисослашганларга – камида 3 гектар;
- чорвачилик маҳсулотини ишлаб чиқаришга ихтисослашганларга озуқа экинларни етиштириш учун (шартли бир бош қорамол учун) – суғориладиган ерлардан – камида 0,3 гектар, лалмикор ерлардан – камида 1 гектар, яйловлар ва пичанзорлардан – камида 2 гектар;
- пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашганларга – камида 30 гектар;

- ғаллачилик ва сабзавотчиликка ихтисослашганларга – камида 10 гектар;

 **агросаноат кластерлари, шу жумладан кооперация шаклидаги кластерлар учун:**

- пахтачилик-тұқымачиликка ихтисослашганларга – камида 2000 гектар;
- ғаллачиликка ихтисослашганларга – камида 1000 гектар;
- сабзавотчилик ва полизчиликка ихтисослашганларга – камида 200 гектар;
- бөгөнчилік, узумчиликка ихтисослашганларга – камида 100 гектар;
- чорвачилик маҳсулотини ишлаб чиқаришга ихтисослашганларга озуқа әкінларини етиштириш учун (шартлы бир бош қорамол учун) суғориладиган ерлардан – камида 0,3 гектар, лалмикор ерлардан – камида 1 гектар, яйловлар ва пичанзорлардан – камида 2 гектар.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш соҳасида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижаракиларнинг мажбуриятлари:

- бизнес-режаларда тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерлардан оқилона фойдаланиш юзасидан аниқ тадбирларни назарда тутишлари;
- зона шароити ва хўжаликнинг ихтисослашувига мувофиқ илмий асосланган алмашлаб экишни, дехқончиликнинг энг самарали ва иқтисодий жиҳатдан оқилона тизимларини жорий этишлари;
- ҳайдаладиган ерлар асралиши ва кенгайтирилишини таъминлашлари;
- мелиоратив жиҳатдан нобоп суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилишлари, пичанзор ва яйловларга сув чиқаришлари ҳамда уларнинг ҳолатини яхшилашлари;

- хўжаликнинг бутун ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоғини ҳамда ундаги иншоотларни техникавий жиҳатдан соз ҳолатда сақлашлари;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини суғориладиган ерларнинг шўр босиши ва захланишига, ерларнинг ва сув манбаларининг ифлосланиши ва заарланишига йўл қўймайдиган усуллар билан амалга оширишлари;
- қишлоқ хўжалик экинлари ва дов-дараҳтларни парвариш қилишнинг сув тежаладиган технологияларини, суғоришнинг илғор усулларини жорий этишлари;
- ерларни муҳофаза қилиш юзасидан, шу жумладан суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик юзасидан ушбу Кодексга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўришлари шарт.

Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

***қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан
фойдаланишини ташкил этиш ва муҳофаза қилиш соҳасида
самарали давлат назоратини амалга ошириш соҳасида:***

- + қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматини ва сифат кўрсаткичларини аниқлайди;
- + тупроқ бонитировкасини ўтказиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга ошириш бўйича ишларни ташкил этади;
- + қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларининг ҳолатини ҳамда ўтказилган агротехник тадбирларни мониторинг қиласди ва ушбу тадбирларни амалга ошириш учун учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар)дан белгиланган тартибда фойдаланади.

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш
инспекцияси**

***қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича
қуийдаги назоратни амалга оширади:***

- + қишлоқ хўжалиги ерларидан белгиланган мақсадларда фойдаланилиши устидан;
- + тупроқнинг унумдор қатламларининг рухсатсиз олиб ташланиши, кўчирилиши ва йўқ қилинишини тақиқлаш ҳамда ерларнинг қишлоқ хўжалиги фойдаланишидан чиқиб кетишига йўл қўймаслик устидан;

- қишлоқ хўжалиги ерларида ўтказиладиган хатлов ва тупроқ сифатини аниқлаш ишларининг белгиланган тартибда амалга оширилиши устидан;
- суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларига қишлоқ хўжалиги экинларининг экилмасдан қолиш ҳолатлари устидан;
- ерларни рекультивация қилиш бўйича талабларга риоя этилиши устидан;
- ўзбошимчалик билан ерларнинг қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқишига сабаб бўлган ҳолатлар натижасида етказилган заарларнинг ундирилиши устидан.

Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 571-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиши инспекцияси фаолиятини тартибга соловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 575-сон қарори.

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ УСТИДАН НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИГА МҮЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ВА ЭКИН МАЙДОНЛАРИДА *МОНИТОРИНГ* ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонлари мониторинги мулкчилик шакли, ҳуқуқий режими, хусусияти ва фойдаланиш муддатларидан қатъи назар, ер фондининг барча тоифаларидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда амалга оширилади ва улар мониторинг обьекти ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонлари **МОНИТОРИНГИ:**

- Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;
- Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;
- вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари;
- туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари;
- “Ўздаверлойиҳа” институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонлари мониторингининг **асосий вазифалари:**

- ✓ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг турлари бўйича уларнинг майдони ва ушбу ерлардан фойдаланиш ҳолати юзасидан мониторинг тизимини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- ✓ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан белгиланган мақсадларда фойдаланилишини таъминлаш;

 ер түғрисидаги қонунчилік ҳужжатлари талабарининг бузилиш ҳолатарининг олдини олиш ва аниқланган ҳолаттар юзасидан тегишли чоралар күриш мақсадида қишлоқ хұжалигига мүлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бүйича ваколатли идораларни ахборот билан таъминлаш.

Қишлоқ хұжалигига мүлжалланган ерлар ва әкин майдонларида **мониторинг ишлари даврийлиги бүйича** қуидаги амалга оширилади: (*схемаси 1-иловада*)

даврий мониторинг — қишлоқ хұжалигига мүлжалланган ерларни турлари ва майдони бүйича ҳар беш йилда хатловдан үтказиб бориш;

жорий мониторинг — қишлоқ хұжалигига мүлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳолати юзасидан ҳар йили мониторингни амалга ошириш;

тезкор мониторинг — қишлоқ хұжалиги әкинларининг әкилиши ва уларда ерга ишлов бериш билан боғлиқ агротехник тадбирларининг үтказилиши юзасидан кунлик мониторингни амалга ошириш.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда даврий мониторинг ишларини амалга ошириш



МАҚСАДИ:

- ✓ ирригация ва мелиорация тармоқларининг бузилиши оқибатида ҳолати ёмонлашган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ерларнинг майдони ва ҳолатини аниқлаш;
- ✓ фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларига берилмаган, бўш турган ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг майдони ва ҳолатини аниқлаш;
- ✓ фойдаланишдан чиқиб кетган ва қайта фойдаланишга киритилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг майдони ва ҳолатини аниқлаш;
- ✓ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўғрисида ахборот базасини яратиш.

Тайёргарлик ишлари даврида тўпланиб ўрганиладиган ҲУЖЖАТЛАР:



- ❖ ер участкасига бўлган ҳуқуқни белгиловчи ва ер участкаларини ажратиш бўйича бошқа ҳужжатлар;
- ❖ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар майдони ва уларнинг электрон рақамли харитаси;
- ❖ охирги йилларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ўтказилган хатлов ва мониторинг материаллари;
- ❖ тупроқ, мелиоратив, геоботаник ва бошқа тадқиқотлар, шунингдек, хўжалик ички ва хўжаликлараро ер тузиш лойиҳа ҳужжатлари.

Дала кузатув ишлари даврида аниқланган ўзгаришлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардаги **ер эгалари, ердан фойдаланувчилар** ва **ижарачиларнинг** ер майдонлари картографик материалларида ҳамда "Ўздаверлойиҳа" институтида яратилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг маълумотлар базасида қайд этилади.

Даврий мониторинг

- “Ўздаверлойиха” институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари;
- туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари мутахассислари билан биргаликда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижаракилар (ёки уларнинг вакили) иштирокида жойига чиқсан ҳолда амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳолати юзасидан жорий мониторингни амалга ошириш



МАҚСАДИ:

- ✓ фойдаланишда бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан мақсадига кўра самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;
- ✓ ирригация ва мелиорация тармоқларининг бузилиши оқибатида ҳолати ёмонлашган ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ерларнинг ҳолатини яхшилаш чораларини кўриш;
- ✓ фойдаланишдан чиқиб кетган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни фойдаланишга киритиш чораларини белгилаш;
- ✓ фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларига берилмаган, бўш турган ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни очиқ электрон танловга қўйиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, маҳаллий ҳокимият органига тақдим этиш чораларини кўриш.



Мазкур мониторингда ҳам даврий мониторингда ўрганиладиган ҳужжатлар ўрганилади.

Жорий мониторинг

➤ “Ўздаверлойиха” институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари;

➤ туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари мутахассислари билан биргаликда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижаракилар (ёки уларнинг вакили) иштирокида жойига чиқсан ҳолда амалга оширилади.

Жорий мониторинг натижаси бўйича ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижаракиларнинг мавжуд ер майдонларидағи ер турлари ўзгариши бўйича маълумотлар базаси янгиланади, шунингдек, тегишли масштабдаги картографик материаллар тайёрланади.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг экилиши ва агротехник тадбирларнинг ўтказилиши юзасидан тезкор мониторингни амалга ошириш



МАҚСАДИ:

- ✓ ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижаракиларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда экинларни жойлаштириш кўрсаткичларига мувофиқ уларнинг контурлар бўйича тўлиқ ва сифатли экилишини таъминлаш;
- ✓ экин майдонларида ерга ишлов бериш билан боғлиқ агротехник тадбирларнинг ўз муддатларида бажарилишини ташкил этиш.

Тезкор мониторинг туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан экилган қишлоқ хўжалиги экинларини жойига чиқсан ҳолда кунлик мониторинг орқали амалга оширилади.



Тезкор мониторинг жараёнида шакллантириладиган МАЪЛУМОТЛАР:

- ❖ ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг фойдаланишида бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда жорий йил учун қишлоқ хўжалиги экинларини контурлар кесимида жойлаштириш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар;
- ❖ “Ўздаверлойиҳа” институти ва унинг ҳудудий бўлинмаларидан белгиланган тартибда шартнома асосида ҳудудларнинг тегишли масштабдаги қишлоқ хўжалиги хариталари;
- ❖ Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиалларидан ер майдонларининг контурлар бўйича ҳисоблаш қайдномаси ва фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларига берилмаган, бўш турган ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўғрисидаги маълумотлар.

Мониторинг материалларидан фойдаланиш

 Мониторинг натижаси бўйича олинган барча маълумотлар **маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга оширувчи давлат инспекторларига** ҳамда тегишли ташкилотларга тақдим этилиши мумкин.

 Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонларида мониторинг ишларини амалга ошириш давомида олинган маълумотлар **қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисботларни тайёрлашда қўлланилади.**

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИГА МҮЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БҮЙИЧА **ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ**

ВАКОЛАТЛИ ОРГАН

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назорати республиканинг бутун худудида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги **Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси** (кейинги ўринларда – Инспекция) томонидан амалга оширилади. (2-иловага қаранг)

Давлат назоратининг объекти:

- ✓ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан қатъий белгиланган мақсадларда фойдаланиш;
- ✓ тупроқ унумдор қатламларини рухсатсиз олиб ташлаш, кўчириш ва йўқ қилишни тақиқлаш ва ерларнинг ишдан чиқишига йўл қўймаслик;
- ✓ ерларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан асоссиз бошқа тоифадаги ерларга ўтказилиши;
- ✓ суғориладиган ерларга қишлоқ хўжалиги экинларини экмаслик;
- ✓ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ажратиш даврида олинган инвестиция шартларини бажармаслик;
- ✓ ерларнинг сифат жиҳатидан ҳолатларини пасайтирувчи жараёнларнинг олдини олиш бўйича мажбурий тадбирлар ва талабларга риоя этиш;
- ✓ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тасаррuf этиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бошқа фаолиятларни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан мажбурий фойдаланиш билан боғлиқ талабларга риоя этиш;

- ✓ ерларни рекультивация қилиш доирасидаги талабларга риоя этилиши;
- ✓ ўзбошимчалик билан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарарни ундириш.

Инспекциянинг
Қишлоқ хўжалигига
мўлжалланган
ерлардан
фойдаланишни
назорат қилиш
бўлими

**Қишлоқ
хўжалигига
мўлжалланган
ерларни
муҳофаза қилиш
бўйича давлат
назоратини
амалга оширади**

Инспекциянинг
Қорақалпоғистон
Республикаси ва
вилоятлар бошқармалари
Қишлоқ хўжалигига
мўлжалланган ерлардан
фойдаланишни назорат
қилиш бўлимлари

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бўйича давлат инспекторлари:

Инспекциянинг Қишлоқ
хўжалигига мўлжалланган
ерлардан фойдаланишни
назорат қилиш бўлими
бошлиғи, бўлим бошлиғи
ўринбосари
ижаҳатлари

Инспекциянинг Қорақалпоғистон
Республикаси ва вилоятлар
бошқармалари Қишлоқ
хўжалигига мўлжалланган
ерлардан фойдаланишни назорат
қилиш бўлимлари бошлиқлари,
шуъба бошлиқлари, бўлим
бошлиқлари ўринбосарлари
ижаҳатлари

Бу мухим:

Инспекциянинг ўз ваколати доирасида қишлоқ хўжалигига
мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат
назоратини амалга ошириш тўғрисида қабул қилган **қарорлари**
барча давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, жисмоний ва
юридик шахслар томонидан бажарилиши **мажбурий**
хисобланади.

Инспекция қуидагилар юзасидан назоратни олиб боради:

-  қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича комплекс тадбирлар бажарилиши;
-  қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан қатъий белгиланган мақсадларда фойдаланиш;
-  қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг мавжудлиги;
-  тупроқ унумдорлигининг пасайишига олиб келадиган ҳаракатларни амалга оширилмаслик;
-  қишлоқ хўжалиги экин майдонларини буталар ва майда дов-дараҳтлар ўсишидан ҳамда ерларнинг техник ҳолати ёмонлашишига сабаб бўладиган бошқа жараёнлардан муҳофаза қилиш;
-  ер бузилиши билан боғлиқ ишларни бажаришда тупроқнинг унумдор қатламларини олиш, улардан мақсадли фойдаланилиши;
-  фойдали қазилмаларни қазиб олиш, қурилиш ишлари ва бошқа ишлар учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ушбу ишлар тугаллангандан кейин белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтирилиши;
-  қишлоқ хўжалиги экинларининг экилиши;
-  қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг асоссиз бошқа тоифаларга ўтказиб юборилиши, шу жумладан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ноқишлоқ хўжалиги мақсадларида ажратилишига йўл қўймаслик;

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги органлари:

-  ерларнинг ишлаб чиқариш чиқиндилари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар, оқова сувлар билан ифлосланмаслиги;
-  қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда тақиқланган кимёвий воситалардан фойдаланмаслик.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш мақсадида урганиш ишларини бошлаш учун АСОСЛАР:

- ✓ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари ёки ушбу топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирликнинг ҳамда Инспекциянинг **буйруқлари**;
- ✓ ўтказилган мониторингдан олинган **маълумотлар (ҳисоботлар) таҳлили**;
- ✓ жисмоний ва юридик шахсларнинг **мурожаатлари**;
- ✓ оммавий ахборот воситалари берган **хабарлар**, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган **маълумотлар**;
- ✓ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш юзасидан **сўровлари**.

Бу мухим:

Ўрганиш жараёнида ҳар бир масала **тўлиқ** ўрганилиши ва маълумотномада қайд этилиши лозим.

Ўрганишга асос бўлган масала бўйича камчилик аниқланмаганда, давлат инспектори томонидан бу ҳақда **маълумотномада** кўрсатилади. (З-иловага қаранг)

Маълумотномада етарли даражада исботланмаган, асоссиз, тахминий хulosалар бўлмаслиги лозим. Агарда ўрганиш давомида қонун бузилиш ҳолатлари аниқланмаса, бу маълумотномада қайд этилади.

Ўрганиш ишлари якунланган кунда **икки нусхада маълумотнома** тузилиб, уларнинг ҳар бири

- ✓ давлат инспектори,
- ✓ ўрганиш амалга оширилган давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари,
- ✓ хўжалик юритувчи субъектлар раҳбари томонидан **имзоланади** ва бир нусхаси ўрганиш амалга оширилган давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектларда қолдирилади.

Давлат инспектори ўрганиш якунлангандан сўнг барча ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантиради.

Йиғмажилдда:

- ✓ ўрганиш давомида тузилган маълумотлар ва далолатномалар;
- ✓ ўрганиш маълумотномасида акс этган қонун бузилиш ҳолатларини тасдиқловчи ҳужжатлар, уларга йўл қўйган айбор шахсларнинг тушунтириш хатлари;
- ✓ ўрганиш давомида аниқланган ҳолатларнинг фото суратлари;
- ✓ жойнинг харитасидан кўчирма бўлади.

Давлат инспекторлари йиғмажилдни **уч иш кунида** Инспекциянинг Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиши назорат қилиш бўлимига ёки ҳудудий бошқармаларига тақдим этади.



Инспекция бошлиғи, ўринbosарлари ва Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва ўринbosарлари **беш иш куни ичida** ҳужжатларни кўриб чиқади ёки тегишлилиги бўйича **маъмурий ишни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органларга** юборади.





Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг **332¹-моддасига** мувофиқ амалга оширилади.



Инспекция бошлиғи, Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга оид қонун бузилиш ҳолатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берәётган шарт-шароитларни бартараф этиш хусусида ўрганиш ишлари якуни бўйича **беш иш куни ичида тақдимнома** киритади.



Ўрганиш ишлари амалга оширилган барча давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари томонидан **бир ой** муддатда тақдимнома кўриб чиқилиши ва натижаси тўғрисида Инспекцияга ва унинг ҳудудий бошқармаларига маълум қилиниши шарт.

Бу муҳим:

Давлат инспекторлари ҳужжатларни кўриб чиқиш натижасида **ўзбошимчалик** билан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда **етказилган зарарлар** бўйича ушбу зарарларни ундириш чораларини кўради.

Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 январдаги "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда мониторинг ишларини амалга ошириш, ерларни муҳофаза қилиш ва ер тузиш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 22-сон қарори

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК БЎЙИЧА ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИКИШ

266²-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг органлари

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг органларига ушбу Кодекснинг **65, 68-моддаларида** (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга оид қисмида) ва **69-моддасида** (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг чегара белгиларига оид қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чораси қўллашга қўйидагилар ҳақлидирлар:

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг қишлоқ хўжалиги ерлари мониторинги бўйича ўринбосари;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг худудий органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари.

245⁷-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси органлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси органларига ушбу Кодекснинг **74-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 75, 76-моддаларида** (сунъий сув инишоотлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларидан фойдаланишига оид қисми), **87-моддасида** (қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиши техникасига оид қисми), **89** ва **89¹-моддаларида** (қишлоқ ва сув хўжалигига оид қисми), 92-моддасида (наслчилликка оид қисми), **104¹, 104², 112-моддаларида, 125-моддасининг бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларида, 135, 139, 140, 141-моддаларида** (қишлоқ

хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиши техникасига оид қисми), 200, 212, 213, 214, 227¹⁴-моддаларида (қишлоқ ва сув хўжалигига оид қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазоларни қўллашга Инспекция бошлиғи ва унинг ўринbosарлари, Инспекция ҳудудий бошқармаларининг ҳамда Инспекция туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимларининг бошлиқлари ва бошлиқ ўринbosарлари ҳақлидир.

ИЛОВАЛАР

1-илова

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонларида мониторинг ишларини амалга ошириш СХЕМАСИ

1-босқич

*Ваколатли органлар – Давлат органларидан ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар ер участкалари чегараси ҳамда ҳолати тўғрисидаги маълумотларни бепул олади.

Мониторинг ишларини ерларнинг тупроқ, геоботаника ва бошқа тадқиқотлар материалларидан фойдаланган ҳолда амалга оширади.

Доимий
равища

2-босқич

Ваколатли органлар мониторинг ишларини даврийлиги бўйича даврий мониторинг,
жорий мониторинг,
тезкор мониторинг амалга оширади.

Ҳар беш йилда
Ҳар йили
Доимий
равища

3-босқич

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидағи «Ўздаверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонларида мониторинг ишларини даврийлиги бўйича амалга оширади.

Мониторинг натижаларини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва ҳудудлар кесимида жамлайди, мониторинг натижаларини далолатнома асосида расмийлаштирган ҳолда туман (Қувасой шаҳар) ҳокимликларига тақдим этади.

Доимий
равища

Мониторинг
якунланган
кунда

4-босқич

Туман (Қувасой шаҳар) ҳокимликлари мониторинг натижалари бўйича тузилган далолатномани туман (Қувасой шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлайди.

**Беш иш
куни
ичида**

5-босқич

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидағи «Ўздаверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари . Мониторинг якуни бўйича ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ер тури, контури, чегараси ҳақидаги барча маълумотларни «Ўздаверлойиҳа» институтининг ер ахборот тизими порталида шакллантирилади.

Мониторинг якунлари бўйича шакллантирилган маълумотларни Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг онлайн геопорталига киритади.

**Ўн иш
куни
ичида**

***Ваколатли органлар** – Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари, шунингдек, «Ўздаверлойиҳа» институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш **СХЕМАСИ**

**Инспекцияси ва унинг ҳудудий
бошқармалари доимий равища**

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини республиканинг бутун ҳудудида амалга оширади:

- а) тадбиркорлик субъектлари фаолиятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан мақсадли фойдаланиш юзасидан ўтказадиган ўрганишларни Текширувларни электрон рўйхатга олишнинг ягона тизимида рўйхатга олинмаган ҳолда амалга ошириш;
- б) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш мақсадида ўрганиш ишларини амалга ошириш.



**Давлат инспекторлари
уч иш куни ичида**

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бўйича ўрганиш ишларини бошлаш, бунда:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ёки Инспекциянинг топшириқлари;

ўтказилган мониторингдан олинган маълумотлар таҳлили;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

оммавий ахборот воситалари берган хабарлар, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган маълумотлар;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш юзасидан сўровлари.


**Давлат инспекторлари
заруратга кўра, ўрганиш
бошланган кунда**

Ўрганиш ишларини амалга ошириш учун тўсқинлик қилинган тақдирда, ўрганиш ишлари амалга ошириладиган давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбари ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс иштирокида далолатнома тузади ва улар томонидан имзоланишини таъминлайди.


**Инспекцияси ва унинг
ҳудудий бошқармалари
заруратга кўра, икки иш куни
ичида**

Ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш ҳолатлари юзасидан келиб тушган мурожаатлар бўйича тегишли ташкилотлардан мутахассисларни жалб қиласди.


**Давлат инспекторлари
ўрганиш якунланган кунда**

Ўрганиш ишлари якуни бўйича икки нусхада маълумотнома расмийлаштиради.

Ўрганиш ишлари якуни бўйича барча ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантиради.



**Давлат инспекторлари
уч иш куни ичида**

Йиғмажилдни Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ёки унинг ҳудудий бошқармаларига тақдим этади.



**Инспекция бошлиғи, ўринбосарлари ва
Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари
бошлиқлари ва ўринбосарлари беш иш
куни ичида**

Ўрганиш натижалари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқади ёки тегишлилиги бўйича ишни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органларга юборади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга оид қонун бузилиш ҳолатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектларга тақдимнома киритади.



**Ўрганиш ишлари амалга оширилган
давлат органлари ва хўжалик
бирлашмалари, хўжалик юритувчи
субъектлар бир ой муддатда**

Тақдимномани кўриб чиқади ва натижаси тўғрисида Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ёки унинг ҳудудий бошқармаларига маълум қиласди.

МАЪЛУМОТНОМА

20___ йил «___»_____

Тошкент шаҳри

Ўрганиш ишлари амалга
оширилган ташкилот: —
Ўрганиш ишлари учун асос —
Ўрганиш ишларини амалга
оширувчилар Ф.И.О. ва
лавозими —

Ўрганиш ишлари амалга — Кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан
оширилган соҳа — мақсадли фойдаланиш юзасидан
Ўрганиш ишларида иштирок —

га асосан «_____» да
кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан мақсадли фойдаланиш юзасидан
ўрганиш ишлари амалга оширилди.
Ўрганиш давомида

каби қонун талабларига амал қилинмаганлик ҳолатлари аниқланди.

Ўрганиш ишлари натижаси бўйича қуийдагилар тавсия этилади:

Ушбу маълумотномада кўрсатиб ўтилган ер тўғрисидаги қонунчилик
хужжатлари талабарининг
бузилиш ҳолатлари ва унинг оқибатларини бартараф этиш юзасидан
«_____» га _____ кун муддатда бажарилиши мажбурий бўлган
куйсатма берилди.

Маълумотномани туздик:

Маълумотнома билан танишдим, эътиrozларим _____ (бор ёки йўқ)
ва бир нусха олдим: _____